



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 12 - mart

415 u -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Тумандаги “Усталар” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига кайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, “Усталар” фермер хўжалиги бошлиғи О.Рўзметовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига кайтариб олишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига кишлок хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгашининг хулосасини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. Тумандаги “Усталар” фермер хўжалиги бошлиғи О.Рўзметовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган сўровномасини инобатга олиб “Усталар” фермер хўжалиги раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Огаҳий ҳудудидаги “Усталар” фермер хўжалигига ижарага ажратиб берилган 158к, 160, 177, 179к, 186к- контурлардаги умумий ер майдони 5,6 гектар, шундан 5,0 гектар тутзорлардан, 0,6 гектар ариқ ва зовурлар остидаги иборат бўлган ер майдони туман ер захира фондига кайтарилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев) Огаҳий ҳудудидаги “Усталар” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларини қонунда белгиланган тартибда туман ер захира фондига кайтарилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Огаҳий ҳудудидан туман ер захира фондига қайтариб олинган ер майдони танловга қўйилсин.

5. Туманда фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси (Э.Худайберганоў)га туман ер захира фондига қайтариб олинган ер участкаси бўйича белгиланган тартибда танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев